

**Жаҳон банки иштирокидаги “Миллий ирригация тизимларини  
яхшилаш ва энергия самарадорлигини ошириш” лойиҳаси бўйича  
МАЪЛУМОТ**

**1. Ташаббускор ва лойиҳа номи** – Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Жаҳон банки иштирокидаги «Миллий ирригация тизимларини яхшилаш ва энергия самарадорлигини ошириш» лойиҳаси.

**2. Лойиҳани амалга ошириш учун асос** – Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 31 январдаги 53-сон қарори 6-илоvasи, Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси йиғилишининг 81-сон баёни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 1 августдаги ПҚ-242-сон қарори.

**3. Лойиҳа мақсади** – Лойиҳа таркибида жами 8 та каналда жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида “Қууаниш жарма” (34,2 км) канали, Наманган вилоятида “Шимолий Фарғона” (23,25 км) магистрал канали, Қашқадарё вилоятида “Пахтаобод” (54,1 км) канали, Сурхондарё вилоятида “Занг” (87,7 км) канали, Бухоро вилоятида “Шохруд”, “Шимолий-ғарбий тармок”, “Хайрабод” ва “Рамитон” (59,8 км) каналлари жами 259 км каналларни реконструкция қилиш орқали ҳудудларда мавжуд 232,35 минг гектар суғориладиган ер майдонларига барқарор сув етказиб бериш, фойдаланишдан чиқиб кетган 21 минг гектар ер майдонлари қайта фойдаланишга киритиш ҳамда каналларнинг сув ўтказиш қобилиятини 20–30 фоизга (ўртача 65 дан 90 гача) етказиш.

**4. Лойиҳанинг амалга ошириш муддати** – 2025–2030 йиллар.

**5. Лойиҳа амалга ошириладиган ҳудудлар** – Қорақалпоғистон Республикаси, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари.

**6. Лойиҳанинг умумий қиймати** – 240,5 млн. доллар, шундан: Жаҳон банки улуши – 200 млн. доллар; Ўзбекистон улуши – 40,5 млн. доллар.

**7. Лойиҳадан кутилаётган натижалар:**

Лойиҳа доирасида 5 та ҳудудда жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 23,4 минг гектар, Наманган вилоятида 16,5 минг гектар, Қашқадарё вилоятида 26,9 минг гектар, Сурхондарё вилоятида 72,5 минг гектар, Бухоро вилоятида 93,0 минг гектар, жами 232,3 минг гектар суғориладиган ер майдонларига барқарор сув етказиб берилади, фойдаланишдан чиқиб кетган 21 минг гектар ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилади ҳамда каналларнинг сув ўтказиш қуввати 20–30 фоизга (ўртача 65 дан 90 гача) оширилади.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасида 62,1 млн. м<sup>3</sup> (2,65 млн. кВт/с), Наманган вилоятида 67,52 млн. м<sup>3</sup> (25,06 млн. кВт/с), Қашқадарё вилоятида 22,07 млн. м<sup>3</sup>, Сурхондарё вилоятида 152,28 млн. м<sup>3</sup> (71,98 млн. кВт/с), Бухоро вилоятида 235,79 млн. м<sup>3</sup> (65,86 млн. кВт/с), ҳудудларда йилига жами 539,8 млн. м<sup>3</sup> сув ҳамда 165,55 млн. кВт/с. электр энергияси тежалади.

**Жорий ҳолати** – Лойиҳанинг ТИАси Ҳукумат Комиссияси (09.04.2025й 81-сон баён) томонидан тасдиқланган ва Лойиҳа доирасида 2025 йил 11 июль куни Жаҳон банки билан 7765-UZ-сонли “Молиявий битим” имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 1 августдаги “Миллий ирригация тизимларини яхшилаш ва энергия самарадорлигини ошириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-242-сонли қарори қабул қилинган.

Бугунги кунда Лойиҳа доирасида NIEEIP/ICB/1-сон “Қууаниш жарма каналини реконструкция қилиш” ҳамда NIEEIP/CON/1-сон “Халқаро консултант компаниясини жалб қилиш” пакетлари бўйича тендер ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, улар бўйича Жаҳон банки билан мувофиқлаштириш жараёни амалга оширилди.

NIEEIP/CON/1 пакети бўйича тендер 2025 йил 2 октябрь куни эълон қилинган бўлиб, таклифларни қабул қилишнинг якуний санаси – 2025 йил 11 ноябрь этиб белгиланган. Белгиланган муддатда барча иштирокчилардан таклифлар қабул қилинди. Ҳозирги вақтда келиб тушган таклифларни баҳолаш ишлари олиб борилмоқда ҳамда энг муносиб ва малакали иштирокчилар билан кейинги жараёнд доирасида назарда тутилган ишларни амалга ошириш мақсадида қисқа рўйхат шакллантирилмоқда.

Шунингдек, NIEEIP/ICB/1 пакети бўйича таклифларни тақдим этиш учун тендер савдолари 2025 йил 6 ноябрда эълон берилган.